

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

АБДИКАРИМОВА САЙЁРА САПАЕВНА

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ОИЛАСИ ЭТНОАНЪНАЛАРИДА
ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Абдикаримова Сайёра Сапаевна Замонавий ўзбек оиласи этноанъаналарида трансформация жараёнлари.....	3
Абдикаримова Сайёра Сапаевна Процессы трансформации в этнотрадициях современной узбекской семьи.....	22
Sayyora Sapaevna Abdikarimova Transformation procedures in the ethnologies of the modern uzbek families.....	40
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

АБДИКАРИМОВА САЙЁРА САПАЕВНА

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ОИЛАСИ ЭТНОАНЪНАЛАРИДА
ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal312 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Хоразм Маъмун Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Максуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хусейнова Абира Амановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.С.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлаётган бугунги глобал ўзгаришлар кишилар, халқлар турмуш тарзига, онги ва тасаввурларига, этномаданиятида қарор топган тарихий-маданий парадигмаларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Зиддиятларга тўла мазкур жараёнларни ғарб тадқиқотчилари “маданиятлар тўқнашуви” (С.Хантингтон) деб баҳолашади. Ғарбда тарқалаётган бир жинсли никоҳ, гейлар уюшмалари, лесбиянкаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар инсониятнинг барқарор ривожланишини таъминлаб келаётган оила институтини инқирозга етакламоқда. Бу жараён “оммавий маданият” намуналари орқали бутун дунёга тарқалмоқда. Шу сабабдан, оила институтини сақлаб қолиш, унга замонавий демократик қадриятларни жорий этиш ва замонавий оила этноанъаналарида кечаётган трансформацион жараёнларни тадқиқ қилиш ҳозирги кунда энг долзарб масалалар қаторига киради.

Дунё илм-фани тараққиётининг бугунги босқичида кўпгина давлатларда (АҚШ, Швеция, Бельгия, Германия, Австрия) оилавий ҳаётни барқарорлаштириш, яъни юридик ва психологик маслаҳатлар бериш, депрессия ва стресс ҳолатларини, ота-она ва фарзандлар муаммоларини бартараф этиш борасидаги илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эгадир. Эгоистик истаклар, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини мутлақлаштирилиши, демократик қадриятлар шиори остида оила этноанъаналарини менсимаслик оила институти барқарорлигига салбий таъсирни янада кучайтирди. Шу нуқтаи назардан замонавий оила институтларини мустаҳкамлашда этноанъаналарни трансформациялаш йўллари излаб топиш ва фундаментал асосларини тадқиқ қилиш бугунги кунда илмий-назарий аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан оила институтини мустаҳкамлашни ўзининг ички сиёсати қилиб белгилади. Ушбу масаланинг долзарблиги тараққиётнинг бугунги босқичида ҳам янада ошиб бормоқда. “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур”¹. Бу вазифаларни амалга оширишда эса, ўзбек оилаларидаги этноанъаналарни ҳамда оила институтини мустаҳкамлашнинг маънавий-ахлоқий, аксилогик жиҳатларини тадқиқ этиш ва илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш бугунги кунда объектив зарурият бўлиб қолмоқда.

¹ Мирзиёев М.Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 ж. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. - Б. 281.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оила институти генезиси, оилавий муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий, иқтисодий, демографик, антропологик, этнографик ва теологик масалалари хорижлик олимлар Ф.Аквинский, Н.Бердяев, Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Отто Вейнингер, И.Кант, Н.Gutman¹лар томонидан ўрганилган. Улар томонидан илгари сурган илмий-назарий хулосалар, хусусан, оила генезиси ва диахрон алоқаларга оид қарашлар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Муаммонинг фалсафий жиҳатлари МДХ олимлари И.Андреева, С.Н.Гавров², И.Забелин, И.Сахаров, Ю.И.Семёнов, Р.Г.Подольный, Л.А.Файнберг, А.Г.Харчевлар томонидан тадқиқ қилинган. Улар оиладаги миллий ва интернационал анъаналар, уларнинг фарзанд тарбиясига таъсири ҳамда демография муаммоларини ўрганишган. Бу борадаги илмий-назарий фикрлар бизнинг мавзумизга объектив ва ижтимоий-фалсафий ёндашув доираларини аниқлаб олишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда оила масалалари илмий талқини узоқ даврлардан ўрганилиб келинган бўлиб, Аҳмад Югнакий, Имом Бухорий, ат Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Хусайн Воиз Кошифий, Ризоуддин ибн Фахруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат

¹ Gutman H. The Black Family in Slavery and Freedom. 1750 1925.

² Гавров С.Н. Историческое изменение институтов семьи и брака. -Москва.: МГУДТ, 2009.

асарларида муҳокама қилинади ва оила тарбиясига оид қимматли дидактик тавсиялар бериледи.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оила муаммоларининг фалсафий жиҳатларини О.Бўриев, М.Усмонов¹, С.Шермухамедов, Э.Юсуповлар, ҳуқуқий жиҳатларини ва бошқа илмий жиҳатларини Ф.Отахўжаев, Ғ.Б.Шоумаров, З.А.Расулова², М.Раҳимова, А.Саидов, Р.Убайдуллаев, Б.Ходжаев, О.Хусанов кабилар ўрганган.

Ушбу изланишлар оила масаласини ҳозир ҳам долзарб, мураккаб ва серқирра эканини кўрсатади. Бироқ уларда оила институтининг умумий жиҳатларига диққат қаратилган бўлиб, мазкур тадқиқотда замонавий ўзбек оиласи этноанъаналаридаги трансформация жараёнларини ўрганиш асосий йўналиш қилиб белгиланган. Оиланинг барқарорлиги ундаги этноанъаналарга бўлган муносабатлар билан белгиланади, бундай анъаналарсиз халқ ҳам, миллат ҳам, пировард натижада оила ҳам йўқ. Оила институти ҳақидаги ҳар қандай мулоҳаза ундаги этноанъаналарга бориб тақалади, бу анъаналарни ҳисобга олмаслик мураккаб оилавий муносабатларни сийқа, тавтологик талқин қилишга олиб келади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Маъмун Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2015-2019 йилларга мўлжалланган ФА-Ф1-ГОО4 рақамли “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ўзбек оиласи этноанъаналарининг функционал хусусиятларини, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни ва трансформация жараёнларини ўрганишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

этноанъаналарнинг ижтимоий гуманистик ва тарбиявий моҳиятини очиб бериш;

оилавий этноанъаналарнинг кадриятлар архитоникасидаги ўрнини кўрсатиш;

оила институтини бошқаришда эркак ва аёл ролини, гендер тенгликни таъминлаш масалаларини таҳлил этиш;

глобаллашув таъсирида оилавий этноанъаналарда кечаётган трансформация жараёнларини кузатиш;

замонавий ўзбек оиласи моделига оид илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини замонавий ўзбек оиласи ва ундаги этноанъаналарнинг трансформация жараёнлари ташкил этади.

¹ Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. – Тошкент, “O zbekiston”, 2012.

² Шоумаров Ғ.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси. – Тошкент, “Илм Зиё Заковат”, 2016.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек оиласидаги этноанъаналар, улардаги ўзгаришларнинг хусусиятлари ва кўринишларини илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фалсафанинг анализ ва синтез, тизимли функционал таҳлил, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик, социологиянинг кузатув, оммавий сўровнома, интервью, савол-жавоб, социодинамик таҳлил, контент-анализ, гуруҳлаш (классификациялаш) каби усулларида самарали фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

этноанъаналарнинг оила институтининг шаклланиши, тузилиши, синхрон (қариндошлар яқинлиги) ва диахрон (икки ва ва ундан кўп авлодлар ўртасидаги) алоқаларга таъсири аниқ социологик кузатувлар билан асосланган;

ўзбек оилаларида этноанъаналарга таянишнинг миллий хусусиятлари уларнинг оиладаги ўзаро ҳурмат, аҳиллик ва инсонпарварлик каби қадриятларга интегратив, когнитив, функционал ва регулятив таъсири кўрсатилган;

ўзбек оиласидаги этноанъаналарига ахлоқий императивлик, бошқарувчанлик, креативлик ва дидактик таъсир хослиги, уларнинг оилавий муносабатларда алоҳида ўрин тутиши очиқ берилган;

замонавий ўзбек оиласи этноанъаналарида, турмуш тарзи, диахрон ва синхрон алоқалари, ижтимоий-тарбиявий функцияларида кечаётган трансформацион ўзгаришларнинг моҳияти очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек оиласи этноанъаналари ҳақида илмий асосланган ва эмпирик тасдиқланган қадриятлар тизими (архитоникаси) аниқланди ва ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги асослаб берилган;

ўзбек оиласи этноанъаналаридаги ўзгаришлар ва уларни кундалик оилавий ҳаётда кузатиш усуллари кўрсатилган;

оилавий этноанъаналар ҳақидаги фикрлардан ўзбек оиласини мустаҳкамлашда, ундаги локал, умумэтник ва умуминсоний қадриятларнинг таъсирини оширишда фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-назарий хулосалар, илгари сурилган гипотеза ва қарашларнинг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан далолатномалар тарзида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар ижтимоий фалсафа, аксиология, антропология, этнография ва оила маънавияти каби фан соҳаларини янги ёндашувлар ва хулосалар билан бойитади, шу йўналишдаги

илмий тадқиқотларга маълум бир назарий йўлланма бўлиб хизмат қилади, уларга изланиш доираларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, улардан ижтимоий-амалий ва маданий-маърифий тадбирларда, оила институтини мустаҳкамлашга ва ўзбек халқи анъаналарини тарғиб этишга бағишланган “Йўл хариталари”да, “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказлари, фуқаролар йиғинлари ва нодавлат ташкилотлар кундалик фаолиятларида ҳамда соҳага оид ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўзбек оиласи этноанъаналарида трансформация жараёнларига оид илмий натижалар асосида:

этноанъаналарнинг оила институтининг шаклланиши, тузилиши, синхрон (қариндошлар яқинлиги) ва диахрон (икки ва ва ундан кўп авлодлар ўртасидаги) алоқаларга таъсирга доир тақлиф ва тавсияларидан Хоразм вилояти хотин-қизларни қўллаб-қувватловчи “Ҳамдард” аёллар марказининг 2017-2019 йилларга мўлжалланган “Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги банд бўлмаган ёшлар ўртасида СПИД эпидемиясига ва наркоманияга қарши курашни қўллаб-қувватлаш, уни ижтимоий ҳаётга интеграция қилишда ижтимоий шериклик” номли 52-02/318-сон грант лойиҳасининг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2019 йил 19 октябрдаги 18/1-806-сон маълумотномаси). Натижада Урганч шаҳридаги уюлмаган ёшлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ижтимоий муҳитни яхшилашга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ичкиликбозликни олдини олишга, ОИТС эпидемиясини камайтиришга хизмат қилган;

ўзбек оилаларида этноанъаналарга таянишнинг миллий хусусиятлари уларнинг оиладаги ўзаро ҳурмат, аҳиллилик ва инсонпарварлик каби қадриятларларга интегратив, когнитив, функционал ва регулятив таъсирга оид хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари Қўмитасининг “Хотин қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-боби, “Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасидаги хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 24-моддаси, “Уй меҳнатини бажаришда тенг муносабатлар кафолатлари” тўғрисидаги 25-моддаси, шунингдек “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари тўғрисида”ги 12-моддаларини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва

гендер тенглик масалалари Қўмитасининг 2019 йил 22 майдаги 09-14/934/1-сон маълумотномаси). Натижада, Республикамизда оилавий муносабатларни тартибга солиб турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва қабул қилинаётган қонунларнинг амалий аҳамиятини янада самарали бўлишига хизмат қилган;

Ўзбек оиласидаги этноанъаналарига ахлоқий императивлик, бошқарувчанлик, креативлик ва дидактик таъсир хослиги, уларнинг оилавий муносабатларда алоҳида ўрин тутишига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари Қўмитаси қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ҳамда бошқа турли қарор ва тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари Қўмитасининг 2019 йил 22 майдаги 09-14/934-сон маълумотномаси). Натижада, Парламент сўрови, таълим соҳаси ходимлари билан, талабалар ҳамда Маҳалла фонди вакиллари билан бўлаётган учрашувларда, кўплаб фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ечиш жараёнларига хизмат қилган;

замонавий ўзбек оиласи этноанъаналарида, турмуш тарзи, диахрон ва синхрон алоқалари, ижтимоий-тарбиявий функцияларида кечаётган трансформацион ўзгаришларнинг моҳиятига оид амалий-назарий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 2019 йил 10 октябрь куни “Замонавий намунали оила моделини тарғиб этиш” йўналишида ўтказилган “Ибратли оила” танлови дастури сценарийсини ишлаб чиқишда ва ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2019 йил 11 октябрдаги 01/2047-19 сонли маълумотномаси). Натижада, республикамиздаги оилаларнинг маънавий-руҳий мўтадиллигини, мувозанатини таъминлашга, оилавий низоларни олдини олиш, муаммоларни бартараф этишга эришилган ва уларнинг ечимини топишга самарали таъсир қилган ҳамда асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (9 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 9 та параграфдан иборат учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бажарилаётган муассаса илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “**Оила институти илмий ва ижтимоий фалсафий тадқиқотлар объекти**” деб номланади. Ушбу бобда оила институтининг илмий, ижтимоий-фалсафий тушунчалари ва талқинлари қараб чиқилади, унинг инсоният тарихидаги эволюцияси ўрганилади.

Диссертант, тадқиқотнинг объекти ўзбек оиласи этноанъаналари бўлгани учун мазкур объектнинг генезиси билан боғлиқ жараёнларни ретроспектив таҳлил қилган. Этноанъаналарнинг ўзи моҳиятан тарихий-маданий воқелик, улар тарихийликни, ретроспектив таҳлилни тақозо этади. Оила институтининг ижтимоий-тарихий, ҳуқуқий, соціо-демографик шаклланиши борасида кўплаб тадқиқотлар ўтказилган¹ бўлса-да, унинг этнологик ва этносоциал нуқтаи назардан таҳлили ҳали амалга оширилмаган. Тўғри, бундай таҳлилга оид материаллар барча тадқиқотларда учрайди, аммо улар маълум бир илмий, фалсафий концепция нуқтаи назаридан жамланмаган ва таҳлил қилинмаган. Халқнинг ижтимоий бирлик сифатида шаклланиш босқичларини тадқиқ этиш этнологиянинг предмети ҳисобланади.² Бу жараёнлар этнологик муносабатларсиз, этноанъаналарсиз кечмайди. Демак, ижтимоий-фалсафий ва этнологик, этноанъанавий таҳлил диалектик уйғунликда амалга оширилади. Оиланинг институционал шаклланишида эркак ва аёл, улар ўртасидаги жинсий, маънавий-ахлоқий ва мулкӣ муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мазкур муносабатлар эса маълум бир маданий этник ва ижтимоий муҳитда шаклланади, кечади. Шу нуқтаи назардан оиланинг институт сифатида шаклланиши мазкур муносабатларнинг тадрижий маҳсули ҳисобланади. Этнологик хусусиятлар унга миллийлик, локал ёки умуммиллийлик, умуминсонийлик бахш этади, этносга хос белгилар тарихий -маданий ривожланишнинг ажралмас атрибути сифатида этноанъаналарга айланади.

¹Havfland L.S. *Womans Life Work Labors and Experiences*, Chicago, Publishing Association of Friends. 1889; Gutman H. *The Black Family in Slavery and Freedom. 1750 1925*. N.Y. Pantheon Books, 1976; Семенов Ю.И. *Происхождение брака и семьи*. Москва: Наука, 1974; Мид М. *Культура и мир детства*. Избранные произведения. Москва: Гл. ред. Восточ. лит ры, 1988; Вейнинггер О. “Пол и характер”. Ростов-на-Дону, Феникс, 1998; Семья 1 2. Книга для чтения. Москва: Политиздат, 1991; Убайдуллаева Р.А. *Семья в Узбекистане*. Ташкент: 2012 ва бошқалар.

²Barth F. *Ethnic Groups and Boundaries*. Indroduction Boston. 1969; Бромлей Ю.В. *Очерки теории этноса*. Москва: Наука, 1983; Аширов А. *Этнология*. Тошкент: Фан, 2008.

Бобда аёл ва эркакнинг оиладаги ўрни, функциялари таҳлил қилинади. Гендер ёндашуви уларнинг ўзига хосликларини аниқлашга, очиб беришга ёрдам беради. Унда аёл ва эркак оила этноанъаналарини асрашга турлича ёндашишлари, бу ўзига хосликлар уларнинг психофизиологик ва нейрологик тузилишидаги фарқлар, узоқ ривожланиш жараёнида шаклланган тасаввурлари ва стереотиплари билан боғлиқлиги таъкидланади. Этнографларнинг таъкидлашича, одамнинг қараши (нигоҳи), чиқарадиган товуши (талаффузи), мимикаси ҳам этнологик белгиларга эга¹. Шундай экан, ҳар қандай жинслараро ва авлодлараро муносабатларда этнологик хусусиятлар бўлиши табиий ҳолдир.

Жинслараро муносабатлар авлодлараро муносабатлардан аввал пайдо бўлган. Жинсий муносабатлар авлодлараро алоқаларнинг ибтидоси, биринчиси инсон ўзини онгли мавжудот сифатида англамаган даврларда ҳам мавжуд эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон танасининг 96% ҳайвонларникига айнандир². Халқ эртаклари ва мифларда эса ярим одам, ярим ҳайвон мавжудотларнинг тасвирлангани бесабаб эмас, илк одамлар ўзини ҳайвонот олами билан узвий қараган. Масалан, турк халқлари мифологиясидаги Алвасти образи бадбашара аёл, Зарафшон воҳасида у “сарик қиз” деб аталган. Алвасти истаган пайтида ҳайвонга ёки бошқа жонсиз предметларга айланиши мумкин бўлган. Қозонлик татарлар уни эчкига, сомон тўпламига, дарахтга, қозоқлар эса отнинг туёғига айланади, деб билганлар. Кўпинча у бир кўзли мавжудот сифатида тасвирланган, одам билан жинсий муносабатлар ўрнатиши мумкин бўлган³. Мазкур ибтидоий, ҳайвоний одат, зоофилия кейинчалик табуга учрайди, этнослар томонидан тақиқланади.

Оиладунослар фикрича, оила ҳақидаги илмий, фалсафий ва этнологик қарашларнинг барчаси оиланинг икки жинс, эркак ва аёл бирлиги, иттифоқи, уларнинг биргаликда хўжалик юритиши сифатида тан олади.

Тарихий манбалар кўрсатадики, XX аср бошларида Эронда яшовчи осетинлар келинга 18 бош сигир беришган, бева хотинга эса унинг ярми тўланган. Туркманларда ёш қизча 5 дан 400 рупийгача баҳоланган, бева хотинга ҳам шунча тўланган. Ёки ёш қизчага 5 туя, ёш бева хотинга эса 50 бошдан 100 бошгача туя берилган. Ўрта Уралда ориқ қиз 5 рубл, семизи эса 25 рубл турган. Синайлик араблар келинга 5-10 доллар, баъзан 30 доллар беришган, бева аёлларга эса уларнинг икки уч миқдори тўланган. Ҳатто алеманн, франк, рипуар, бургунд, англосаксон ҳуқуқларида келин учун пул тўлаш шартлиги кўрсатилган⁴.

¹Топоров В.П. Святость и святые в русской духовной культуре. - Москва: Лик, 1995. - С. 121-122; Чеснов Я.В. Лекции по исторической этнологии. - Москва: Гардарика, 1998. - С. 24- 25.

²Аллан и Барбара Пиз. Как заставить мужчину слушать, а женщину молчать. Почему мы такие разные, но так нужны друг другу. - Москва: Эксмо. 2006. - С.16.

³Женщина в мифах и легендах. Энциклопедический словарь. - Ташкент: Гл. ред. энциклопедий, 1992. - С.18-19.

⁴Қаранг: Гитин В.Г. Эта покорная тварь женщины. - Москва: АСТ, 2001. - С. 96.

Таниқли америкалик этнограф Э.Каспари, инсоният тарихига ўта яқинлар билан жинсий алоқалар (инцест) ҳам, қатъий экзогамия ҳам салбий таъсир кўрсатган бўларди, шунинг учун улардан бирини мутлақлаштириш мумкин эмас, деб кўрсатади. Унинг фикрича, агар инцест мутлақлаштирилса, этноснинг бошқа этнослар билан алоқаларига зарар етган, агар экзогамия мутлақлаштирилса, этноснинг маълум бир ижтимоий бирлик сифатида шаклланиши рад этилган бўларди¹.

Оиладаги осойишта ҳаёт, саринжом-саришталик, фарзандлар камолоти аёлга боғлиқ эканини “Авесто”да ҳам акс этган. Айниқса, унда қиз болаларни билимли, уй-рўзғор ишларига уддабурон, доно ва соғлом қилиб тарбиялашга даъват этилади. “Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму-маърифат ўрганишга жиддийроқ киришсинлар. Чунки улар ўзлари туғилган хонадонда ота рўзғорини тартибга келтириб, уйга зийнат бериб юрсалар, жуфти ҳалоли уйига боргач, келажак авлод, яъни фарзандлари тарбияси, таълими билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади”. Шу тариқа, қиз болалар учун юнгдан урчуқ билан ва чархда ип йигириш, матолар тўқиш, либослар тикишдан ташқари, ўғил болалар билан кураш тушиш, чавандозлик, қиличбозлик қилиш, қалқон тутиб, ўзини рақибдан ҳимоя қила олиш, отда турли ғовлардан сакраб ўтиш, сувда сузиш, узоққа югуриш, найза улоқтириш, камондан ўқ отиш каби бошқа жисмоний ҳарбий малакани эгаллаш мажбурий ҳисобланган. Шундан сўнг қизлар 15 ва ўғил болалар 16 ёшларида оқсоқол бошчилигида жамоа олдида махсус имтиҳондан ўтган. Натижада эса, балоғот ёшига етган қизлар рўзғор юритиш сирларини ўрганиб, “кадбону”, яъни “уй бекаси”, йигитлар эса “кад худо”, яъни “оила бошлиғи” бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от суриш, туя миниб юриш каби ҳуқуқларни қўлга киритганлар. “Авесто” китобида қайд этилишича, ўша замонларда эркаклар бир нечта хотин олиш ҳуқуқига эга бўлган эканлар. Эркаклар роппа-роса 16 ёшидан бошлаб уйланган. Ҳамма вақтларда биринчи хотин бошқаларга бош бўлган². Мазкур тартибларда аёлнинг ижтимоий вазифалари батафсил баён қилинган. Унга фақат фарзанд туғиб берувчи ёки “ўчокни асровчи” деб эмас, балки, жамоанинг фаол аъзоси, ўзини ва қабиласини ҳимоя қилувчи, оила учун зарур амалларни бажарувчи, масалан, чорвачилик, дехқончилик билан шуғулланувчи, рўзғорни олиб борувчи шахс сифатида қаралган.

Баъзи минтақаларда, давлатларда оилада қанча фарзанд кўриш, қиз ёки ўғил кўришни қўллаб-қувватлаш, болаларни парваришлаш усулларини танлаш қабилар ҳам эркаклар хоҳиши, рухсати билан амалга оширилган. Масалан, XVII асрда Францияда болаларини она боққан, эмизган, парваришлаган, эркак буни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, оила фаровонлиги учун зарур барча нарсани яратиб беришга интилган. Ҳатто француз илоҳшунослари аёллардаги болажонликни қоралаганлар. Улар назарида бундай меҳр аёлларни худога меҳр қўйишдан чалғитади. Бир аср

¹ Қаранг: Семья. Т1. - Москва: Политиздат, 1991. - С.182.

² Бобоев Ҳ, Ҳасанов С. “Авесто” маънавиятимиз сарчашмаси. - Тошкент: Адолат, 2001. 107-108 б.

ўтгач, Францияда болалар тарбиясига, оиладаги муносабатларга бўлган қарашлар ўзгаради, яъни болаларни эмизиш ва парваришlash учун энагалар ёлланадиган, она эса ўзини парваришlash, истакларини амалга ошириш, дилига яқин кишилар билан учрашиб, кўнгил хушлик қилиш одатга айланади.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Европада “боласеварлик”дан қочиш, нафратланиш анъанага айланади. Бобда, “Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий эманципацияси ва уларни ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятига кенг тортиш уларнинг оилавий ролини, шу жумладан, оналикни ҳам, кенг эътиборли қилмай қўйди, баъзиларига эса унча зарур эмас қилиб қўйди деган фикрлар ҳам ўрин олган. Замонавий аёл энди “садоқатли жуфт ва эзгу ниятли она” бўлмай, ҳатто буни хоҳламай қолди. Унинг ўзини ўзи иззатлаши тагида профессионал ўсиш, ижтимоий эркин яшаш истаги ётади, у учун энди эрга тегиб, орттирган мавқеи эмас, балки ўз саъй-ҳаракатлари билан топган ўрни муҳимдир. Аввалги болаларни тарбияlash, хўжалик юритиш каби уй бекасига хос анъанавий функциялар (ҳатто уларни баъзан ёлланган аёллар бажарган бўлса ҳам)ни бугун болалар врачлари, махсус қаровчилар, тарбиячилар, болалар боғчалари каби ижтимоий-тарбиявий муассасалар ўз зиммасига олмоқда. Булар она меҳрини ва унга эҳтиёжни рад қилолмайди, аммо аёл хулқ-атворини жиддий ўзгартиради”¹.

Барча оилалар ва кишилик жамияти учун анъанавий ҳол, яқинлик бор, уни И.Кант, оталарнинг фарзандлари билан алоқалари зарур даражада эмаслигидадир, деб кўрсатади. Ҳатто, баъзи кроссмаданиятларда, этноанъаналарда эркакларнинг бола билан алоқалари қатъий тарзда чекланган, бу эса эркак ва бола ўртасида яқинлик, меҳр пайдо бўлишига халақит беради. Натижада фарзанд отасидан кўра онасини кўпроқ севади ва эъзозлайди, бу ҳол кўпроқ эркакнинг авторитар бошқариши ҳукмрон анъанавий оилаларда кўзга ташланади². Гендер муаммоларига бағишланган тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, эркак ва аёл бир турга оид, аммо ҳар хил темпераментга, психофизиологик имкониятлар ва мотивацияларга эга мавжудотлардир. Оилавий муносабатлар мазкур ўзига хосликларга, диморфизмга қурилади. “Оилада ким етакчи?” ёки “Оилани ким бошқаради?” деган савол моҳиятан гендер хусусиятга эга, у эркак ва аёлнинг ролини, ўрнини аниқлашга қаратилган. Юқоридаги, эркакнинг функциялари ҳақидаги фикрлар диморфизмга урғу беришни, уни сунъий тарзда мутлақлаштиришни англамайди. Реал ҳаётнинг ўзи эркак ва аёл диморфизм талабларига мувофиқ яшовчи, ўзининг оилавий функцияларини ўзига хос тарзда бажарувчи икки жинс эканини тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан уларнинг оила этноанъаналарига муносабатлари ҳам турлича, ўзларига хос, аммо гуманистик мазмунга ва моҳиятга эгадир.

¹ Кон И. Дети и родители.// Семья. Книга для чтения. Кн.1.--Москва: Изд. полит. литературы, 1991. - С.261.

² Ўша асар. - С. 263.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Оила ва оилавий этноанъаналар: ўзбек оиласида миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар архитоникаси”** деб номланади. Ушбу бобда, ўзбек оиласи этноанъаналарига хос локал ва умумэтник хусусиятлар, бу хусусиятларнинг эр-хотин, авлодлараро муносабатларда намоён бўлиши тадқиқ этилади. Локал хусусиятга эга этноанъаналар ҳар бир вилоят, туман, ҳатто қишлоқлардаги анъаналарда кўзга ташланади. Ушбу локал хусусиятлар ўзбек этноанъаналарини завқли, ранг-баранг қилади. Шу билан бирга бобда умумэтник ва умуминсоний белгилар ҳам очиб берилади. Ўзбек оиласидаги эр-хотин ўртасидаги ахиллик, меҳр-муҳаббат, бир-бирини эъзозлаш каби ахлоқий қадриятлар этноанъаналарга гуманистик моҳият бахш этади, бобда умуминсонийлик ана шу гуманистик қадриятларнинг ифодаси сифатида келиши таъкидланади.

Бобда, оилавий этноанъаналарни халқ маданияти, турмуш тарзи, тафаккури ва орзу тилакларидан алоҳида қараш мумкин эмаслиги ҳақида сўз боради. Бунда, оилавий этноанъаналар йўқлиги, у мудом халқ маданияти ва қадриятлари синтези орқали идрок этилиши қайд этилади. Этноанъаналарнинг аввало оилада қарор топиши табиий ҳолдир. Оила ҳаётдан барқарор жой олган, оила аъзоларининг маънавий-руҳий, мафкуравий эътиқодига мувофиқ келган, уларни мустаҳкамлашга хизмат қилган урф-одатлар даврлар ўтиб анъанага айланган. Этноанъанага айланмаган урф-одатлар тарих сахнасидан, халқ ҳаётдан тушиб қолган. Инсон ҳаёти, оилавий муносабатлар хилма-хил урф-одатлардан иборат бўлиб келган. Оила институтининг барқарорлиги ҳам ушбу этноанъаналар туфайлидир.

Тадқиқотда, ўзбек этноанъаналарини миллий, умуминсоний ва локал, дунёвий ва диний, эркаклар ва аёллар каби кўринишларга классификациялаб кўрсатилган. Диссертантнинг фикрича, уларни қандай классификация қилмайлик, гуманистик моҳиятга эга локал, умуммиллий ва умуминсоний белгиларига дуч келаверамиз. Аслида этноанъаналарнинг халқ, миллат ҳаёт тарзидан шунчаки жой олиши ёки ижтимоий тарихий босқичларда шаклланиши эмас, балки қандай гуманистик моҳиятга эга экани, халқни, миллатни қандай олийжаноб режалар, мақсадлар билан яшашга даъват этгани муҳимдир деб таъкидланади. Эр-хотин ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг, меҳр-муҳаббатга, севгига қурилганига оид анъаналар ана шундай туйғулар маҳсулларидир. Шу билан бирга, ўзбек оилаларида эр-хотин муносабатлари, оила ҳар доим ҳам юксак туйғуларга қурилавермаган. Барча халқларда бўлгани каби ўзбек оиласида ҳам ота-она ихтиёрига мувофиқ турмуш қурганлар етарлича учрайди. Масалан, ўзига ишонмаслик, ҳали эр-хотин бўлиб яшашга тайёр эмаслик каби туйғулар маълум бир ёшларда учрайдиган ҳолдир. Қари ота-она истагига қарши бормаслик учун улар танлаган қизга уйланиш ёки улар танлаган йигитга турмушга чиқиш ҳоллари ҳамон мавжуд. Бу ўринда Абдулла Қодирийнинг севимли қахрамони Отабекнинг ҳаётини эслаш ўринлидир. У ота-онаси истагига қарши

боролмайди, унинг Зайнабга уйланишида “тўйдан кейин севишиб кетишади”, деган этностереотип кузатилади. Кўп ҳолларда, айниқса илгари бу этностереотип ўзининг ижобий натижасини берган. Ҳатто, ислом дини уйланишдан олдин ёшларнинг бир-бирларини кўришга рухсат берган бўлса-да, бир-икки марта кўрган билан йигит ва қизнинг бир-бирларига мос келишини, бир-бирларининг характерини билишини тасаввур этиш қийин. Шундай бўлса-да, бундай никоҳлар ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради. Бу ўринда патриархал анъаналарнинг кучли экани, хотин-қизларнинг ҳуқуқий масалалардан яхши хабардор эмаслиги таъсири кўзга ташланади. Ўз ҳуқуқидан яхши хабардор бўлмаган аёл эркак билан тенглиги ҳақида тортишиб ўтирмайди, эрнинг истаги ва кўрсатмаси у учун қонун. Эр (эркак) билан тортишиб ўтирмаслик, у билан тенг ҳуқуқли эканини кўз-кўз қилмаслик миллий фазилатимизга айланган. Аслида, бундай этноанъаналар туфайли ўзбек оиласида осойишталик, иттифоқ, аҳиллик мавжуд. Ўзбек оиласига хос бўлган болажонлик ҳам ана шу этноанъаналар таъсири туфайлидир.

Ўзбек халқи ва миллатининг гуманистик ғояларга содиқлигини, этнохусусиятларини ифода этиб келади. Ҳатто мутаассиблик ҳукмрон пайтларда ҳам эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг муҳаббатга, ўзаро ҳурматга, аҳил ва иттифоқ бўлиб яшашга қурилиши ҳақидаги қарашлар, интилишлар этноанъаналарда барқарор қадриятлар сифатида эъзозланади, асралади. Объектив ва субъектив омиллар таъсирида икки ёшнинг қовушиши, оила қуриши катталар ихтиёрида бўлган, улар ўртасидаги иноқлик, меҳр кейинчалик пайдо бўлган, аммо бу ҳол оиласи учун масъулликни ёшлар устидан соқит қилмаган. “Чимилдиқда уйғонган меҳр” кейинчалик чин севгига, садоқатга, фидойиликка айланган. Локал ва умумэтник хусусиятларнинг ранг-баранглиги ўзбек этноанъаналарини бойитади, уларни ҳаёт динамизмига мувофиқ ҳаракатда бўлишга ундайди. Бу хусусиятлар шунчалик кенг ва полифункционалки, улар бир томондан, миллий белгиларни жозибали, қизиқарли қилса, иккинчи томондан, умуминсонийликни янада чексиз, янада олийжаноб қадриятларга айлантиради.

Этноанъаналардаги умуминсонийлик локал ва умумэтник белгиларга гуманистик моҳият бахш этгани учун ҳам улар ўртасидаги уйғунлик идеал тарзда намоён бўлади. Оилавий этноанъаналар ва қадриятлар архитоникаси ўзига хос аксиологик тизим ҳисобланади. Этноанъаналар эъзозлангани, қадрлангани боис ушбу тизимдан жой олади. Мазкур қадриятларни турлича талқин қилиш, ёритиш мумкин, аммо улар негизида мудом, агар тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқсак, оила институтини мустаҳкамлашга ва унда шахс, инсон шаънини улуғловчи, эъзозловчи анъаналар ётишини эътироф қилишимиз лозим.

Диссертациянинг учинчи боби, **“Замонавий ўзбек оиласи этноанъаналарида трансформация жараёнлари ва уларни прогнозлаштириш масалалари”** деб номланади.

Трансформация италянча transformare сўзидан олинган бўлиб, “қайта курмок”, “ўзгартирмок” деган маъноларни англатади. Илмий адабиётларда у мавжуд ҳолатни қайта баҳолаш, ундаги тизимли инқирозни назарда тутиш, ижтимоий диагностика, яъни ушбу инқироздан чиқиш йўлларини излаш, ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ келмайдиган, инқироздаги элементлардан воз кечиш, янги ҳолатни мақсадга мувофиқлигини асослаш ва ундаги ўзгаришларни кўрсатиш тарзида талқин қилинади¹. Тадқиқотчининг фикрича, ўзбек оиласи этноанъаналаридаги трансформация жараёнларини мазкур йўналишларда тизимли қараш мавзуни етарли даражада очиб беришга хизмат қилади.

Замонавий ўзбек оиласининг модели ва ундаги этноанъаналарнинг прогнозини, диссертант, диссертациядаги социологик тадқиқотлардан келиб чиқиб қуйидаги йўналишларга ажратиб ўтади.

